# Мундарижа


**Таҳлил**
Мухиддин КАЛОНОВ. Корхоналарнинг молиявий натижалари таҳлилини такомиллаштириш 3

**Рақамли иқтисодиёт**
Баҳриддин МАҲМУДОВ. Рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишга таъсири 7

**Эконометрик моделлаштириш**
Носир МАҲМУДОВ, Азамат ҚОСИМОВ. Ҳудудий саноатни эконометрик моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари 10

**Инвестиция**
Азизхон ТИЛЛЯХОДЖАЕВ. Тўқимачилик саноатида инвестиция лойиҳаларини бошқариш самарадорлигини ошириш 13

**Тажриба ва самара**
Абдувосит НАЗИРОВ. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда венчур маблағидан фойдаланиш 19

**Аудит**
Сулув ҲАМИДОВА, Абдирахим ТЎРАЕВ, Шерзод РАҲМОНОВ. Пул маблағлари аудитини халқаро аудит стандартлари асосида такомиллаштириш 22

**Жараён**
Баходир ОМОНОВ, Мохира УСМАНОВА. Йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишда замонавий интеллектуал транспорт тизимларидан фойдаланиш 27

**Ислоҳот**
Мехриддин ХОЖИЕВ. Нодавлат нотижорат ташкилотларида активлар аудитини такомиллаштириш 30

**Иқтисодиёт**
Ирода БАКИЕВА, Шавкат ФАЙЗИЕВ. Фаол инвестиция сиёсати – иқтисодиёт барқарорлиги омили 35

**Долзарб мавзу**
Нодирбек СОТВОЛДИЕВ. Озиқ-овқат бозорини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари 38

**Аграр соҳа**
Сохибжон ТОПИЛДИЕВ. Ўзбекистон аграр секторидаги муаммоларни бартараф этишнинг асосий йўллари 41

**Ижтимоий таъминот**
Шерзод РАЖАБОВ. Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришнинг иқтисодий аҳамияти 44

**Соғлиқ ва хавфсизлик**
Азиз ЗИКРИЁЕВ. Қурилиш саноатида инсон соғлиғи ва хавфсизлигининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашувлар 47

**Стратегик бошқарув тизими**
Умиджон КОСТАЕВ. Стратегик бошқарув ҳисобида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими 50

**Тараққиёт**
Актам ХОЛОВ. Ёш раҳбар кадрларнинг мансаб поғоналарида ўсиш истиқболлари 56

**Кластер механизми**
Муборак АШУРОВА. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этишнинг зарурияти 59

**Туризм**
Абдулла МИРЗАЕВ. Ўзбекистонда туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш 62

**Тадбиркорлик**
Азиз ҚОДИРОВ, Дилфуза ЎРОҚОВА. Кичик бизнесда инновацион фаолият ва уни ривожлантириш масалалари 66

**Маркетинг**
Нозимжон ТУРСУНОВ, Тоҳиржон МАХМУДОВ . Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон мода индустриясини ривожлантиришда маркетинг стратегияларининг ўрни 69

**Модернизация**
Дилбар ХОДЖАЕВА. Иқтисодиётни модернизациялаш – барқарор иқтисодий ўсиш омили 73

**Эркин иқтисодий зоналар**
Зебинисо НАВРЎЗЗОДА. Эркин иқтисодий зоналарнинг мазмун-моҳияти, мақсадлари ва ривожланиш хусусиятлари 76

**Хизматлар соҳаси**
Зилола ЖЎРАЕВА. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш зарурияти 79

**Нигоҳ**
Баҳодир МАРДОНОВ, Муҳаммадамин ЭРДОНОВ. Хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари 82

**Қимматли қоғозлар бозори**
Акрамжон КАРИМОВ. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг оммавий таклифи ва унинг иқтисодий аҳамияти 86

**Хориж тажрибаси**
Сирожиддин МАХАТОВ. Корея Республикасида инновацион тизим шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва асослари 90

**Транспорт**
Муҳаммадхўжа САИТКАМОЛОВ. Темир йўл транспорти ривожланишида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари 94

**Туризм ёрдамчи ҳисоби**
Акбар ЖУМАЕВ. Туризм ёрдамчи ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўналишлари 97

**Сегментар ҳисобот**
Рисолат ҲАСАНОВА. Сегментар ҳисобот тузишнинг назарий жиҳатлари ва уни кластерларда қўллаш усуллари 100

**Молия**
Бобур БОРОНОВ. Молиявий активлар ҳисоби принциплари таснифини такомиллаштириш 103

**Меҳнат бозори**
Абдураҳмон АСРАҚУЛОВ. Норасмий бандликка концептуал ёндашувлар ва унинг Ўзбекистон меҳнат бозоридаги даражаси 106

**Пенсия тизими**
Фахриддин ЗАЙНИДДИНОВ. Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўллари 111

**Банк фаолияти**
Обид ҲАМРАЕВ. Банкларга молиявий ресурсларни жалб этишни такомиллаштириш 114

**Ҳудуд**
Нусраттилло НОРҚОБИЛОВ. Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни 118

**Уй-жой коммунал хўжалиги**
Нодирахон ЖЎРАЕВА. Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг шаклланиши ва бошқариш хусусиятлари 122

**Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш**
Гузал АДИЛОВА. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида рақамли иқтисодиёт тизимини шакллантиришнинг илмий методологик асослари 126

**Маркетинг**
Сирожали АЛЛОБЕРГАНОВ. Интерактив ва рақамли маркетингнинг корхоналар маркетинг фаолиятини ривожлантиришдаги ўрни 130

**Фаровон турмуш гарови**
Саидубайдуллахон САИДУМАРАЛИХОНОВ. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини яхшилашда аҳоли даромадларининг ўрни 134

**Интеграция**
Бунёд РАДЖАБОВ. Мамлакатнинг глобал инновацион иқтисодиётга интеграциялашувини баҳолаш 137


# Содержание


**Цифровая экономика**
Бахтиёр МАХКАМОВ. Эффективное лицензирование радиочастотного спектра как фактор привлечения дополнительных инвестиций в сферу мобильных услуг 141

**Стратегическое управление**
Зулфия САГДИЛЛАЕВА. Вопросы устойчивого развития организации на современном этапе 144

**Инновационная экономика**
Зумрат ГАИБНАЗАРОВА. Взаимосвязь человеческого капитала с интеллектуальным капиталом 148

**Цифровая экономика**
Зухра ОТАКУЗИЕВА, Шухрат БОБОХУЖАЕВ. Роль и место биржевых электронных торговых систем Узбекистана в цифровой экономике 151

**Финансы и рынок**
Равшан КАЮМОВ, Ферузбек МАДАМИНОВ. Комплексный подход к раскрытию сущности финансового рынка 156

**Финансовый мониторинг**
Шамсиддин АЛЛАЯРОВ. Значение финансового мониторинга в системе экономической безопасности 160

**Рыночные исследования**
Шахло МАХКАМОВА, Зумрад ИЛХАМОВА. Потребительское поведение современной молодежи 164

**Корпоративное управление**
Обид АСАДОВ. Повышение эффективности системы корпоративного управления акционерной компании «Узбектелеком» 167

**Управление предприятием**
Султан БАЛТАШЕВ. Управление кредитоспособностью предприятия 171

**Международная практика**
Шерзод КУДБИЕВ. Основные изменения в деятельности МОТ в условиях инновационного развития 175

**Государственное регулирование**
Умида ЮЛДАШЕВА. Зарубежный опыт государственного регулирования предприятий малого бизнеса 181

**Банковская деятельность**
Феруза УРУНОВА. Формы участия коммерческих банков в финансировании инвестиционных проектов 185

**Инвестиции**
Наргизабону АБИРОВА, Рушана АМИНОВА. Инвестиционная поддержка малого бизнеса: проблемы и перспективы 188

Biznes-Эксперт
ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

**ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ**

**ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ**
ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.**
Georgian international University президенти (АҚШ)
Президент Georgian international University (США)

**Gerhard FELDMEYER** (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)
доктор экономических наук, профессор (Германия)

**Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)
доктор экономических наук, профессор (Япония)

**Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)
доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

**Нагмет АИМБЕТОВ**
ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**Юрий ОДЕГОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)
доктор экономических наук, профессор (Россия)

**Адҳам БЕКМУРОДОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

**Муҳиддин ПЎЛАТОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори
доктор экономических наук

**Дурбек АХМЕДОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

**Бахтиёр ИСЛОМОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

**Баҳодир УМУРЗАКОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

**Игорь БУТИКОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

**Мухиддин КАЛОНОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори,
доктор экономических наук

УЎТ:330.34/35

# Иқтисодиётни модернизациялаш – барқарор иқтисодий ўсиш омили
# Модернизация экономики–фактор устойчивого экономического роста
# Economic modernization is a factor of sustainable economic growth

**Дилбар ХОДЖАЕВА,**
**Бухоро Давлат университетининг**
**Сервис соҳаси иқтисодиёти кафедраси**
**катта ўқитувчиси.**

## *Аннотация*

*Мақолада иқтисодиётни модернизациялашининг аҳамияти ва объектив зарурияти, асосий йўналишлари ва вазифалари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги инновацион фаолият, ЯИМ, саноат ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари таҳлил қилинган.*

*В статье подчеркивается важность и объективная необходимость экономической модернизации. Описаны основные направления и задачи модернизации экономики. Представлен анализ инновационной активности, производства промышленных и потребительских товаров в Узбекистане.*

*The article emphasizes the importance and objective need for economic modernization. The main directions and tasks of modernization of the economy are described. The analysis of innovative activity, production of industrial and consumer goods in Uzbekistan is presented.*

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг бугунги босқичи халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни, ишлаб чиқаришни ташкил этиишнинг замонавий шаклларидан фойдаланишни ҳамда инновацион фаолликни оширишни тақозо этмоқда.

Халқаро бозорларда рақобат муттасил кучайиб бораётган вазиятда иқтисодиётни модернизациялаш объектив зарурият даражасига кўтарилмоқда. Чунки иқтисодиётни модернизациялаш рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида фан сиғимкорлиги юқори технологиялардан фойдаланиш жараёни кучайиши ҳамда технологик самарадорлик эвазига тармоқлар фаолиятини ривожлантириш, инновацион ва инвестицион фаолликни ошириш имкониятларини кенгайтиради.

**2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**да ҳам **таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишда** “ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш; юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр

**Калит сўзлар:** модернизация, иқтисодий ўсиш, диверсификация, инновация, инновацион фаолият, рақобатбардошлик, саноат, технология.

маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш” [1] ва бошқа устувор вазифалар белгиланган.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар дастурини амалга ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишга эришиш мумкинлиги жаҳон тажрибасида исботланган.

Иқтисодиётни модернизациялаш ишлаб чиқаришда илм-фан салмоғини оширишни, яъни уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий кучига айлантириш ва ишлаб чиқаришни оқилона бошқаришни ривожлантириш ҳисобига эришилаётган иқтисодий такрор ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштиришни таъминлайди.

Илмий адабиётларда иқтисодиётни модернизациялаш, унинг аҳамияти ва асосий йўналишлари бўйича турли қарашлар мавжуд. Жумладан, И.Макарова иқтисодиётни модернизация қилишни янги манфаатлар, қадриятлар ва устуворликлар тизимига мос келадиган, жамиятдаги сифатли ўзгаришларга йўналтирилган, инновацион ўзгаришларга асосланган замонавий иқтисодиёт моделини шакллантириш жараёни деб баҳолайди [3]. Бу таъриф орқали модернизациянинг ўзига хос бир қатор хусусиятларини, биринчидан, замонавий иқтисодий моделни шакллантиришини, иккинчидан, инновацион ўзгаришларга асосланишини, учинчидан, жамиятдаги қизиқишлар, қадриятлар ва устуворлик тизимига мос келувчи сифатли ўзгаришларга олиб келишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ҳам модернизациялашнинг аҳамияти, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш масалалари атрофлича ёритилган. Г.Маҳмудова ўз тадқиқотларида модернизациялаш бир томондан иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилашни, сифат жиҳатидан такомиллаштиришни, пировардида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни назарда тутишини, иккинчи томондан инсон омилини тараққий эттиришини баён этади [5].

Ҳозир модернизациялаш миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Иқтисодиётни замонавийлаштириш инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнларига боғлиқ бўлади. Хориж тажрибаси модернизация миллий ресурслардан ташқари, мамлакатга жалб қилинган хорижий инвестициялардан, янги билим ва технологиялардан бир вақтда фойдаланилган ҳолда амалга оширилишини кўрсатди. Индаллосини айтганда, модернизациялаш иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг асосий вазифалари тайёрланаётган маҳсулотлар таннархини камайтириб, сифатини яхшилаш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рағбатлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи турли омиллар таъсирига тез мослашувчанлигини оширишдир. Бу вазифаларни бажаришда инновация ва инновацион фаолиятни ривожлантириш дастуриламал вазифасини ўтайди. Зеро, инновация модернизациянинг концептуал асосидир.

Кейинги вақтларда республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда инновация ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Сабаби, замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновацион фаолият ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларини

***1-жадвал.***

**Корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти таҳлили [6]**

| | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. |
|---|---|---|---|---|
| Инновациялар жорий қилган корхона ва ташкилотлар сони: | | | | |
| Технологик | 894 | 893 | 975 | 982 |
| Маркетинг | 14 | 20 | 22 | 17 |
| Ташкилий | 27 | 20 | 26 | 25 |
| Жорий қилинган инновациялар сони: | | | | |
| Технологик | 1737 | 1816 | 1946 | 2482 |
| Маркетинг | 36 | 51 | 62 | 42 |
| Ташкилий | 46 | 39 | 38 | 34 |
| Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ҳажми, млрд. сўм | 8023,6 | 10688,2 | 18543,3 | 28871,5 |
| Инновацияларга қилинган харажатлар, млрд. сўм | 5528,3 | 2571,4 | 4162,3 | 4707,2 |

изчил ва барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев уқтирганидек, "Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди" [2].

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2015 йилда инновациялар жорий қилган ташкилот-корхоналар сони 935 тани, 2018 йилга келиб 1024 тани ташкил этган. Жорий қилинган инновациялар (технологик, маркетинг, ташкилий) сони эса 2015 йилда 1819 тага, 2017 йилда 2046 тага, 2018 йилда эса 2558 тага тенг бўлган. Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) умумий ҳажми 2015 йилда 8023,6 млрд. сўмни ташкил қилган, 2018 йилда эса бир неча бараварга ортиб, 28871,5 млрд. сўмга етган.

ЯИМ ҳажми 2016 йилда 242495,5 млрд. сўмга, 2019 йилнинг дастлабки 9 ойида 361858,4 млрд. сўмга тенглашган. Худди шу даврлар оралиғида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ошган. 2016-2018 йилларда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 48253,8 млрд. сўмдан 83512,6 млрд. сўмга кўтарилган [6].

Хулласи калом, миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ва самарадорлигига эришиш, уни ривожланган мамлакатлар тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли иқтисодий ўзгаришлар, дунё бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан "чидамлилиги", мустақил ривожлана олиш имкониятлари ва салоҳияти айнан иқтисодиётнинг турли даражали ишлаб чиқариш жараёнларидаги тубислоҳотларга, яъни, модернизациялаш ва уларнинг натижаларига боғлиқдир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 4947-сонли фармони. // http://lex.uz/docs/3107036

2.https://daryo.uz/k/2017/12/02/shavkat-mirziyoyev-innovatsiya-bolmas-ekan-hech-bir-sohada-raqobat-rivojlanish-bolmaydi

3. Макарова И.В. Потенциал модернизации машиностроительного комплекса региона. Монография. Отв. ред. О.А.Романова. Екатеринбург, 2010 год, 23-24-стр.

4. Ясин Е.Г. Модернизация и общество. // Е.Г.Ясин // Модернизация экономики и общественное развитие. М.: 2007 год.

5. Маҳмудова Г.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг назарий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Тошкент, 2019 йил.

6. www.stat.uz